O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№ 30 04 09




# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 21 апрель, № 79 (4742) Сешанба


*«Ўзбекистон ҳаво йўллари»:*

# РИВОЖЛАНИШНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

ИСЛОҲОТ



***Мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида «O`zbekiston havo yo`llari» миллий авиакомпанияси юк ва йўловчи ташиш жиҳатдан бутунлай янги босқичга кўтарилди. Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида халқаро ҳамкорлик алоқалари тобора мустаҳкамланиб, юртимизни дунёнинг кўплаб давлатлари билан боғловчи янги ҳаво йўллари изчил очилмоқда.***



Айниқса, авиапарк энг замонавий ҳаво кемалари билан мунтазам янгиланиб бораётгани туфайли юк ва йўловчи ташиш ҳажми йил сайин ортиб бораётир.

Миллий авиакомпания парки яна бир замонавий лайнер — "А300 — 600 F" юк ташувчи самолёт билан бойиди. Мазкур ҳаво кемаси кеча "Тошкент" халқаро аэропортига келиб қўнди. У «O`zbekiston havo yo`llari» миллий авиакомпанияси ва «Korean Air» авиакомпанияси ҳамкорлигида "Навоий" халқаро аэропорти базасида Минтақавий логистика марказини ривожлантириш доирасида ҳаво кемалари етказиб бериш режасига мувофиқ олиб келинди.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон ва Корея ўртасида иқтисодиётнинг барча йўналишлари, хусусан, авиация соҳасида ҳамкорлик ришталари тобора мустаҳкамланиб бораётир. Шу йилнинг 5 мартида иккала мамлакат авиакомпаниялари ўртасида иккита "А300 — 600 F" юк ташувчи самолёт лизинги бўйича келишувга эришилдики, у давлатлар ўртасида логистика инфратузилмасини ривожлантириш, фуқаро авиациясини бошқариш ва кадрлар тайёрлаш бўйича олиб борилаётган ҳамкорликни янги поғонага олиб чиқди.

Мамлакатимизда бугунга қадар логистика хизматлари мавжуд "Ил — 76" юк ташувчи кемалари орқали амалга оширилар эди. Бироқ уларнинг шовқин ва эмиссия бўйича белгиланган андозаларга жавоб бермаслиги

(Давоми 2-бетда).



**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда парламент қуйи палатаси депутатлари, қатор вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг масъул ходимлари иштирок этди.**

## БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИ

**Ундан мақсадли ва тежамли фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.**

**Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.**

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2008 йилдаги фаолияти тўғрисида ҳамда "Бюджет тизими тўғрисида"ги Қонунга биноан "Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2007 йилдаги ижроси тўғрисида"ги ҳисоботи ва Давлат бюджетининг 2009 йилги лойиҳаси юзасидан хулосалари тақдим этилди.

Таъкидланганидек, Ҳисоб палатаси томонидан бир қатор вазирлик ва идораларда Давлат бюджети маблағларининг қонуний, мақсадли ва самарали сарфланиши устидан белгиланган тартибда назорат ўрнатилган. Палата томонидан ўтказилган текширишларда айрим молиявий камчиликлар аниқланган ва аксарияти бартараф этилган. Давлат бюджетига етказилган зарарлар тўғрисидаги материаллар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилган.

Муҳокама чоғида депутатлар вазирлик ва идоралар ҳамда маҳаллий давлат органлари томонидан бюджет маблағларидан самарали фойдаланишда ҳанузгача қатор камчиликларга йўл қўйилаётгани, айниқса, маҳаллий бюджетлар ижросини таъминлашда муаммолар мавжудлигини қайд этишди.

Шунингдек, йиғилишда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва унинг салбий таъсирини камайтириш борасида мамлакатимизда қабул қилинган 2009-2012 йилларда жаҳон иқтисодий инқирози оқибатларининг олдини олиш ва бартараф қилиш бўйича дастурни амалга ошириш, шу асосда иқтисодий ўсишнинг узоқ муддатли барқарор суръатларини ва иқтисодиётнинг мувозанатли ривожлантиришини таъминлаш, Ҳисоб палатаси томонидан бюджет маблағларидан мақсадли, тежамли ва самарали фойдаланилиши соҳасидаги назоратни янада кучайтириш борасида тавсия ва таклифлар берилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан қўмита қарори қабул қилинди.

Кексаларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш, уларни ардоқлаш халқимизга хос азалий қадриятлардандир. Ушбу олийжаноб туйғу мустақиллик йилларига келиб, бевосита Президентимиз бошчиликларида давлат сиёсати даражасига кўтарилдики, бундан биз ҳамиша ғурурланиб, хурсанд бўлиб юрамиз.

## ҲУРМАТ ВА ЭЪТИБОРДАН МИННАТДОРМИЗ

**Дил сўзи**

Қўлларимизни дуога очганда ҳам мана шундай дориломон кунларга етказгани учун шукроналар айтамиз, тинч ва фаровон ҳаётимизга кўз тегмасин, дея ният қиламиз.

Инсон умрида осойишталикнинг ўрни қанчалик муҳим эканини мен ўз ҳаётим мисолида кўрдим. Ниятларингиз, орзу-умидларингиз фақат тинчлик-хотиржамлик ҳукмрон бўлган жойдагина амалга ошаркан. Баъзан ёлғиз қолганимда шулар ҳақида ўйлаб, умримнинг ўтган йилларини хотирлайман. Афсуски, айни ўйнаб-куладиган йигитлик чоғимиз уруш даврига тўғри келди. Одамларда ҳаловат йўқолган, кун кечириш қийин, очарчилик... Эҳ-ҳе, буни тарифлашнинг ўзи жуда оғир. Ундай кунларни киши, ҳатто душманига ҳам раво кўрмайди. Биз ана шу мусибатларни бошимиздан кечирганимиз учун ҳам ёшларга насиҳат қилганда тинчликнинг қадрига етинглар, мустақилликка муносиб фарзанд бўлинглар, дея уқтирамиз. Чунки ҳозирги ёшларимизга ҳар қанча ҳавас қилса арзийди. Кўз тегмасин, кошонадек мактабларда, институтларда ўқишяпти. Касб-ҳунар ўрганишяпти. Ота-оналарининг орзу-ҳавасини рўёбга чиқаришяпти. Буларнинг барчаси, сўзсиз, мустақиллик туфайли, осойишталик туфайли.

Гарчи ёшлигимиз қийинчиликда ўтган бўлса-да, кексайганимизда роҳат кўрдик. Қаерга бормайлик давраларнинг тўри бизники, ҳурматимиз жойида. Ҳолимиздан ҳамма хабардор. Бизга кўрсатилаётган бундай ғамхўрликдан кўксимиз тоғдек кўтарилиб, гўё умримизга умр қўшилаётгандек.

Ҳар йили Хотира ва қадрлаш куни юртимизда катта байрам сифатида нишонланади. Бу қутлуғ санада бизларга яна алоҳида ғамхўрлик кўрсатилиб, ўтганлар руҳи хотирланади. Мана, бу гал ҳам Президентимизнинг "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинганини эшитиб, жуда хурсанд бўлдик. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига бир марталик пул мукофоти белгиланиб, уни тантанали ва байрамона тарзда топшириш таъкидланган. Бу ҳам кучимизга куч қўшади, руҳимизни янада кўтаради. Азалдан шундай гап бор: кимки қарияларни эъзозласа, ҳурматини жойига қўйса, ҳеч қачон кам бўлмайди. Шунинг учун ҳам биз кексалар ҳамиша Юртбошимизга узоқ умр тилаймиз. Барака топсинлар, ҳеч қачон кам бўлмасинлар, деймиз.

**Қиёмиддин БОҚИЕВ,**
**Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, истеъфодаги полковник.**

## ИҚТИСОДИЁТДА МАМЛАКАТ ҒУРУРЛАНСА АРЗИЙДИГАН УЛКАН МУВАФФАҚИЯТЛАР

***Ўзбекистоннинг хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналарига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли янги асари ҳақида чет эл ҳукумат, ижтимоий ва эксперт доиралари вакилларининг таассуротлари битилган мактублар келиши давом этмоқда.***

**Дунё нигоҳи**

**Италиянинг Гроссето (Тоскана маъмурий бўлинмасига қарашли) шаҳри ҳокими Эмилио Бонифаци** ўз мулоҳазаларини шундай ифодалайди: «Ўзбекистон Президентининг асарида мамлакатдаги иқтисодий вазият, глобал иқтисодий инқироз дунёнинг бирон бир давлатини четлаб ўтмаётган даврда мамлакатни янада ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўлини топиш борасида ҳукумат олдида турган кўплаб вазифалар аниқ ва равшан баён этилади.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистонда қисқа муддатларда амалга оширилиши мўлжалланган инқироз оқибатларига таъсир кўрсатувчи амалий ташаббусларни таклиф этмоқда. Ўзбекистон Президентининг хулоса ва таклифлари бошқа минтақаларда жойлашган мамлакатларда ҳам муваффақият қозониши мумкин.

Президент Ислом Каримовнинг асарини мутолаа қилар экансиз, жаҳон молиявий инқирози билан боғлиқ муаммолар, хусусан, глобал инқирознинг Ўзбекистон иқтисодиётига жиддий таъсирини камайтириш мумкин бўлган йўлларни излаш масалалари нақадар теран таҳлил қилинганидан ҳайратга тушасиз. Дунёдаги аксарият ҳукуматларнинг кун тартибига эндигина киритилган, иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш ҳақидаги мавзу Президент китобида кенг муҳокама қилинади ва муҳим аҳамият касб этади.

Тадбиркорлик фаолияти учун кўмак бериш, кредитларни қўллаб-қувватлаш ва давлат томонидан олиб борилган самарали сиёсат Ўзбекистон шароитида молиявий-иқтисодий инқирознинг таъсирини камайтириш борасида танланган йўлнинг тўғри эканлигини кўрсатади».

**Шарқий Европа ва МДҲ мамлакатлари институти (Исроил) директори Александр Цинкер**нинг фикрига кўра, Ўзбекистон нафақат Марказий Осиёда, балки бутун Осиё маконида тобора муҳим ўринни эгаллаб келмоқда. Унинг дунёдаги барча мамлакатлар билан амалий асосда ўзаро манфаатли алоқаларни мустаҳкамлаш борасидаги сиёсати ўзининг ҳосилини бермоқда. Эришилган улкан иқтисодий ютуқлар халқнинг фахрланиши учун етарли асос бўла олади. Муҳими, иқтисодий барқарорликнинг ўсишига ҳеч қандай хом ашё захираларисиз, саноат тармоқларида босқичма-босқич инновацион технологияларга ўтиш натижасида эришилмоқда.

Бугун бутун Ер шарини молиявий-иқтисодий инқироз қамраб олган бир шароитда мамлакатнинг ушбу бўҳрон салбий оқибатларига дош бера олишга қодирлиги, айниқса, муҳим саналади.

Ўзбекистон Президентининг китобида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг сабаблари ва унинг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири таҳлил қилинади. Мамлакат томонидан 2008 йилда эришилган юқори иқтисодий кўрсаткичларга қарамасдан, Президент Ўзбекистоннинг глобал иқтисодий маконнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланиши ва айни пайтда дунёни чулғаб олган муаммодан четда туриб бўлмаслигини таъкидлайди. Бироқ мамлакат вазиятнинг ана шундай тус олишига тайёр турган эди. Дунё иқтисодиётида инқирознинг бошланғич кўринишлари сезила бошлаган вақтдаёқ 2009-2012 йилларга мўлжалланган комплекс дастур ишлаб чиқилди.

(Давоми 2-бетда).

## ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ҲИМОЯСИ

**Парламент қуйи палатасида Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан интеллектуал мулк соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш масаласига бағишланган семинар бўлиб ўтди.**

Унда депутатлар, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш, Матбуот ва ахборот, Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентликлари, телерадиоканаллар, нашриёт уйлари ва бошқа тегишли муассасалар вакиллари қатнашди.

Тадбирда қайд этилганидек, мамлакатимизда интеллектуал мулкни ҳимоялашга қаратилган зарур ҳуқуқий замин яратилган. Хусусан, 2006 йили "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди, шу муносабат билан 2007 йилда Фуқаролик кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Ҳукуматнинг бу борада тегишли қарорлари қабул қилинган. Айтиш мумкинки, эндиликда интеллектуал мулк эгаларининг қонуний манфаатларини ҳимоялашнинг аниқ механизми яратилди.

Шундай бўлса-да, соҳада ҳамон қонунбузилиш ҳолатлари рўй бериб турибди. Қўмита йиғилишида масаланинг мана шу жиҳатига эътибор қаратилар экан, муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар эгаларининг манфаатларини тўла шаклда муҳофазалаш зарурлиги қайд этилди. Бу борадаги халқаро тажрибани ўрганиш, қонунбузарларга нисбатан жавобгарликни кучайтириш юзасидан таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Чунончи, интеллектуал мулк соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашга қаратилган қонунчиликни янада такомиллаштириш хусусида ҳам тегишли тавсиялар берилди.

**Зиёда АШУРОВА.**

## ПРЕЗИДЕНТ КИТОБИ ЎРГАНИЛМОҚДА

***Самарқанд давлат чет тиллар институтида Президентимиз Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли китоби мазмун-моҳияти, унда илгари сурилган масалаларни ўрганишга бағишланган семинар бўлиб ўтди.***

Унда мамлакатимиздаги бир қатор олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, иқтисодчи олим ва мутахассислар, институт талабалари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Бугунги кунда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози дунё ҳамжамиятини ташвишга солаётган долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Юртбошимизнинг мазкур асарида жаҳон молиявий инқирозининг келиб чиқиш сабаблари, унинг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири ҳамда оқибатларининг олдини олиш ва камайтириш йўллари аниқ кўрсатиб берилган. Шу мақсадда мамлакатимиз банк тизимини қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник янгилаш, инновацион технологияларни кенг жорий этиш сингари муҳим масалалар хусусида атрофлича фикр юритилган.

(Давоми 2-бетда).

## ҚИШЛОҚ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

***Кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтида "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили"га бағишланган давра суҳбати ўтказилди.***

**Анжуман**

Мамлакатимиз парламенти палаталарининг тегишли қўмиталари, суд-ҳуқуқ идоралари масъуллари, вазирликлар, олимлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашган анжуманда қишлоқни ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини оширишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш хусусида сўз борди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда мамлакатимиз қишлоқларини янада ободонлаштириш, аҳоли турмуш тарзини яхшилаш, фуқаролар учун қулай маиший шароит ва сервис хизматларини

(Давоми 2-бетда).

**БИР РАҚАМ ШАРҲИ**



## Ялпи ички маҳсулот ҳажми ортмоқда

**2009** йилнинг биринчи чорагида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши **7,9** фоизни ташкил этди.

**Жойларда таркибий қайта ўзгартиришлар, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ва техник жиҳатдан янгилаш бўйича белгиланган мақсадли комплекс дастурлар ҳамда Инқирозга қарши чоралар дастурининг изчил амалга оширилиши туфайли шундай ижодий натижага эришилди.**

***Сир эмаски, бугунги кунда дунёнинг аксарият мамлакатлари жаҳонда юз бераётган иқтисодий инқироздан жиддий азият чекмоқда. Йирик корпорация ва компанияларнинг ўз аравасини торта олмай қолиши натижасида кун сайин ишсизлар сони ошиб бораётир. Биргина мисол: қудратли давлатлардан саналган АҚШда жорий йилнинг март ойида ишсизлар сони 8,1 фоиздан 8,5 фоизга ошган. Мамлакат меҳнат вазирлигининг маълумотига кўра, ўтган ойда бу ерда 694 минг киши ўз иш жойидан ажралган. Шу тариқа мамлакатда ишсизларнинг умумий сони 13,2 миллион кишига етган. Афсуски, бундай аҳвол фақат АҚШда кузатилаётгани йўқ.***

# ИНҚИРОЗГА ҚАРШИ ЯКДИЛЛИК МУҲИМ

**Шарҳ**

Вазиятни ўнглаш мақсадида анчадан буён давлатлар инқирозга қарши ўз лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этишмоқда. Бироқ муаммонинг глобал тус олиб улгургани ушбу саъй-ҳаракатларнинг сезиларли натижа беришига имкон яратмаяпти. Шу боис яқинда Лондонда ташкил этилган "Катта йигирмалик" давлатлари саммитида ҳам бу масала кун тартибидаги асосий мавзу бўлиши кутилганди. Шундай ҳам бўлди. Халқаро ҳамжамиятнинг эътирофича, саммитда инқирозни бартараф этишга ва жаҳон иқтисодиётининг яна ўз изига тушиб кетишига оид бир қатор муҳим қарорлар қабул қилинган.

Лондон саммитида муҳокама этилган долзарб масалалардан бири жаҳон иқтисодиётини тиклашга кўпроқ давлатларнинг ёрдамини жалб қилиш эди. Негаки, кейинги пайтда аксарият мамлакатларда иқтисодиётни барқарорлаштириш мақсадида ажратилаётган ҳукумат ёрдамлари қайсидир маънода дастлабки мевасини бера бошлади. Хусусан, бундай ҳолат АҚШда ҳам намоён бўла бошлади. Масалан, мамлакатда ажратилган маблағлар эвазига баъзи корхоналар секинлик билан бўлса-да, қаддини тиклаётир. Саноат маҳсулотларига буюртмалар ҳажми ҳам кўпаймоқда. Энг муҳими, истеъмолчилар фаоллиги ошмоқда. Ўз навбатида, тураржой савдосида ҳам жонланиш сезилди. Хитойда эса сўнгги ярим йилда ишлаб чиқариш ҳажми яна кўтарила бошлади. Шундай бўлса-да, сиёсий доираларда иқтисодий корхоналар фаолиятини рағбатлантириш учун маблағ ажратишга қарши кайфиятдагилар ҳам кўпчиликни ташкил этмоқда. Уларнинг наздида, шу кунгача кўрсатилган ҳукумат ёрдамлари инқироз оқибатларини енгиллаштираётган экан, энди буёғига юзага келиши мумкин бўлган бюджет тақчиллигини бартараф этиш чораларини ҳам кўриш зарурдир.

Бироқ саммит давомида бу борада олиб борилаётган сиёсат тўғри эканлиги эътироф этилиб, ушбу мақсадлар учун янада кўпроқ маблағ ажратиш таклиф қилинди. Шундан келиб чиқиб, "Катта йигирмалик" саммити иштирокчилари 2010 йил охиригача жаҳон иқтисодиётини барқарорлаштириш учун 5 триллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратишга келишиб олдилар. Лекин ҳозирча мазкур сармоя қай йўсинда ажратилиши номаълум.

Муҳокамалар жараёнида давлатлар сармояларининг жаҳон иқтисодиётидаги ўрни қандай бўлиши мавҳумлигича қолди. Яна бир гап. Гарчи саммит иштирокчилари дунё иқтисодиётини жонлантириш учун маблағ ажратишни якдиллик билан қўллаб-қувватлаётган бўлсалар-да, бундай чора-тадбирларни фақат ўз ҳудудларида қўллаш билан оворалар. Масалан, АҚШ ўзининг инқирозга қарши чоралар дастурини "Америка маҳсулотларини сотиб ол!" шиори остида олиб бормоқда. Франция эса Европа Иттифоқи сиёсати томойилларидан чекинган ҳолда преференцияларига (вилоятларига) автомобиль саноатини қўллаб-қувватлаш учун маблағ ажратмоқда.

Саммитнинг рисоладагидек ўтишида охирги пайтларда кенг муҳокама этилаётган янги жаҳон валютасини жорий этиш ғоясига тўхтанилинмагани ҳам сабаб бўлди. Маълумки, бу таклифни 740 миллиард долларлик захира маблағини АҚШда сақлаётган Хитой саммитгача кўп бора илгари сурганди. Ушбу мамлакат вакилларининг фикрига кўра, АҚШда юритилаётган молиявий сиёсат улар жамғармаси хавфсизлигини таъминлашга раҳна солмоқда. Дунё бўйлаб доллар устуворлигига қаршилар қаторида Россия ҳам бор. Франция ва Германия эса ягона "англосаксон" капитал тизими ҳақида кўпдан бери баҳслашади.

Таҳлилчиларга қараганда, Хитой илгари сураётган масала у даражада аҳамият касб этмаган бўлса-да, Франция ва Германия даъволари қайсидир жиҳатдан саммитнинг якуний ҳужжатларида ўз аксини топди. Шу тариқа йиғин иштирокчи давлатлари молиявий барқарорлик бўйича кенгаш тузишга қарор қилишди. У молиявий институтлар фаолиятининг янги қоидаларини ишлаб чиқишда иштирок этади ва молия бозорини тартибга солишни кучайтиришга хизмат қилади.

Саммитда иштирок этган етакчи давлатлар раҳбарлари Халқаро валюта жамғармасига 750 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратишга қарор қилишди. Бу маблағлар ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётига кредит тариқасида йўналтирилади. Ўз навбатида, Ғарбий Европа, Хитой ва Япония мамлакатлари бу маблағнинг 240 миллиардини ўз зиммаларига олишган. Умуман, жамғарма инқироз оқибатларини бартараф этиш учун бир триллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфлайди. Шунингдек, Жаҳон банкига ҳам бу мақсадлар учун 100 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ йўналтирилади.

Сиёсий арбоблар мазкур саммит натижаларидан мамнун бўлишганини эътироф этишди. Негаки, бундай даражадаги кўптомонлама учрашувларда ҳар доим ҳам мана шундай якдиллик кузатилавермайди. Шундан бўлса керак, "Катта йигирмалик" давлатларининг навбатдаги саммитини жорий йил сентябрь ойида Нью-Йоркда ўтказишга келишиб олинди.

Дарҳақиқат, саммитда эришилган келишувлар, шунингдек, жаҳон иқтисодий инқирози оқибатларини бартараф этиш учун ажратилиши мўлжалланган маблағлар айни пайтда ниҳоятда муҳимдир. Энди асосий гап ана шу ишларни ўз вақтида ва қатъийлик билан рўёбга чиқаришдадир. Балки Лондон саммитининг инқироз шароитидаги энг катта ютуғи ва тарихий аҳамияти ҳам шу бўлар.

**Фазлиддин АБИЛОВ.**


# «Ўзпахтасаноат» уюшмаси

## СОҲАВИЙ САНОАТ ЯРМАРКАСИ



Ташкилотлараро ва соҳа ичидаги кооперацияни ривожлантириш ҳамда пахтани қайта ишлаш саноати учун саноат маҳсулотларининг алоҳида турларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини бажариш мақсадида

**2009 йилнинг 22-24 апрель кунлари**
**«Ўзпахтасаноат» уюшмасининг**
**Соҳавий саноат ярмаркаси ўтказилади.**

Ярмаркада уюшма вакиллари, унинг ҳудудий бирлашмалари, ёрдамчи корхоналар ва пахтани дастлабки қайта ишлаш техникаси ҳамда технологиясига ихтисослашган илмий-тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари қатнашадилар.

**Ярмаркада ташкилотлар, компаниялар ва фирмалар:**

- *«Ўзпахтасаноат» уюшмаси фаолияти тўғрисидаги маълумотлар, ёрдамчи-корхоналар ва уларнинг маҳаллийлаштириш дастури асосида ишлаб чиқарган маҳсулотлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси индустриал комплекс корхоналарида ишлаб чиқаришга таклиф этилган маҳсулотлар тўғрисидаги маълумотлар қайд этилган экспозициялар билан яқиндан танишишлари;*
- *«Ўзпахтасаноат» уюшмаси ва соҳа корхоналари учун ускуналар етказиб бераётган корхоналар томонидан ўтказиладиган тақдимотда қатнашишлари мумкин.*

**Сизларни «Ўзэкспомарказ ХКК» ОАЖнинг 4-павильонида ўтказиладиган Соҳавий саноат ярмаркасига таклиф этамиз.**

**Маълумот учун телефонлар: 120-42-50, 120-42-22.**


## ТЕНДЕРГА ТАКЛИФ

| | |
|---|---|
| **Эълон қилинган кун —** | **2009 йил 21 апрель.** |
| **Кредит рақами —** | **2093-ЎЗБ.** |
| **Лойиҳа номи —** | **«Умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув адабиётларни нашр этиш тизимини такомиллаштириш» лойиҳаси II босқичи.** |
| **Шартнома номи —** | **Республика умумтаълим мактаблари қошида ташкил этилган 1000 та ахборот ресурс марказлари учун қўшимча адабиётларни харид этиш/NCB08.** |

1. Ушбу тендерга таклиф ОТБнинг «ОТБ бизнес имкониятлари»нинг 2005 йил 21 январда эълон қилинган 1-сонли умумий харид эълони асосида тайёрланди.
2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги «Умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув адабиётларни нашр этиш тизимини такомиллаштириш» лойиҳасининг II босқичи доирасида Осиё Тараққиёт банкининг 2093-ЎЗБ-сонли кредити ҳамда давлат бюджети маблағлари ҳисобидан республика умумтаълим мактаблари қошида ташкил этилган 1000 та ахборот ресурс марказлари учун қўшимча адабиётларни харид этишни режалаштирган/NCB08.
3. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги республика умумтаълим мактаблари қошида ташкил этилган 1000 та ахборот ресурс марказлари учун қўшимча адабиётларни харид этиш бўйича лаёқатли иштирокчиларни тендерда қатнашишга таклиф этади.

   ***Тендерга киритилган лотлар сони — 165 та (1-лотдан 165-лотгача).***
   ***Жадвал А — кичик ёшдаги болалар учун турли адабиётлар (1-4-синфлар) (1-лотдан 42-лотгача).***
   ***Жадвал В — катта ёшдаги болалар учун турли адабиётлар (5-9-синфлар) (43-лотдан 129-лотгача).***
   ***Жадвал С — плакатлар (130-лотдан 138-лотгача).***
   ***Жадвал D — энциклопедик маълумотнома ва луғатлар (139-лотдан 165-лотгача).***

   Иштирокчилар битта ёки бир неча лотларда иштирок этишлари мумкин.
   Маҳсулотларнинг тўлиқ тафсилотлари тендер ҳужжатларида берилган.
4. Маҳаллий тендер савдолари Осиё Тараққиёт банкининг бир босқичли бир конвертли тендер ўтказиш тартиб-қоидалари асосида ўтказилади. Тендерда ОТБ аъзоси бўлган мамлакатлардан бўлган корхона ва ташкилотлар иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.
5. Тендерда қатнашиш истагидаги ва қатнашишга ҳақли бўлган корхона ва ташкилотлар юқоридаги адабиётларни етказиб бериш бўйича қўшимча маълумотлар олиш учун Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига қуйидаги манзил бўйича душанбадан жумагача соат 10.00 дан 17.00 гача мурожаат этиши мумкин.
6. Тендер ҳужжатлари ўзбек ва инглиз тилларида бўлиб, иштирокчилар томонидан қуйидаги манзилга ёзма ариза билан 50 000 (эллик минг) сўм қийматидаги қайта қопланмайдиган маблағ қуйидаги ҳисоб рақамларига ўтказилгандан кейин берилади:

**Сўмда тўлаш учун**

Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси ТИФ МБ Марказий амалиёт бўлими, ҳ/р: 20203000100101044001, банк коди: 00882, СТИР: 202122808.

**АҚШ долларида тўлаш учун**

Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси ТИФ МБ Марказий амалиёт бўлими, ҳ/р: 20203840300101044008, банк коди: 00882, СТИР: 202122808.

Чет эл корхоналари 50 000 (эллик минг) сўмнинг АҚШ долларидаги эквивалентини тўлов амалга оширилган кундаги Марказий банк томонидан белгиланган валюта айирбошлаш курси бўйича тўлайдилар. Тўлов юқоридаги ҳисоб рақамига тўғридан-тўғри пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Тендер ҳужжатларини олиш учун иштирокчилар томонидан тўланган тўлов қайтарилмайди. Чет давлатлардан бўлган иштирокчиларга тендер ҳужжатлари электрон почта орқали юборилади. Маҳаллий корхоналар вакиллари ҳужжатларни олиб кетишлари мумкин. Юборилган ҳужжатларнинг йўқолиб қолиши ёки кечикиб боришига харидор жавобгар эмас.

7. Барча таклифлар қуйида келтирилган манзилга 2009 йил 19 май куни Тошкент вақти билан соат 15.00 дан кеч қолмасдан топширилиши керак. Таклифлар тақдим этилган нархнинг 2 фоизидан кам бўлмаган миқдорда миллий ёки АҚШ валютасида таклиф кафолати билан биргаликда топширилиши керак. Чет эллик иштирокчилар таклиф кафолатини хизмат кўрсатувчи банк томонидан таклиф кафолати берилган кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган валюта айирбошлаш курсларида АҚШ долларида тақдим этишлари мумкин. Кечикиб топширилган таклифлар қабул қилинмайди. Таклифлар иштирокчилар вакиллари иштирокида 2009 йил 19 май куни соат 15.30 да очилади.
8. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги иштирокчилар томонидан тендер таклифини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган харажатларга жавобгар эмас.

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Дилшод Ҳамзаев, лойиҳа менежери, 100159, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй, 108-хона. Алоқа қилиш учун телефон: (998-71) 239-15-73. Факс: (998-71) 239-15-71. Электрон манзил: uzbpiu@globalnet.uz**

# РЕСПУБЛИКА КЎП ТАРМОҚЛИ АГРОСАНОАТ БИРЖАСИ САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ

## очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

**РКТАБ Самарқанд филиалининг савдолар залида 2009 йил 4 май куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси юқорилаб борувчи очиқ аукцион савдоларига қуйидаги объектлар қайтадан қўйилишини маълум қилади:**

1. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2008 йил 26 декабрдаги ЖСК-1-538/08-сонли ижро варақасига асосан суд ижрочилари Самарқанд шаҳар бўлими томонидан савдога қўйилган, Самарқанд шаҳри, Панжакент кўчаси, 105-уйда жойлашган «Самарқанд тўқимачилик атторлик фабрикаси» МЧЖга қарашли:
   - Маъмурий бино, ертўла ва маъмурий бино ичидаги 19 номдаги офис ашёлари билан: 1986 йилда қурилган, майдони — 202,40 м². ***Жами бошланғич баҳоси — 63 728 646 сўм.***
   - 1-сонли ишлаб чиқариш цехи ва цех ичидаги 7 номдаги асбоб-ускуналари билан: 1986 йилда қурилган, майдони — 967,20 м². ***Жами бошланғич баҳоси — 299 263 980 сўм.***
   - Атторлик цехи ва «ТКТП-400» русумли трансформатор: 1930 йилда қурилган, майдони — 743,48 м². ***Жами бошланғич баҳоси — 216 210 681 сўм.***
2. Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2007 йил 14 февралдаги 10-0604/13352-сонли ижро варақасига асосан Суд департаменти Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан савдога қўйилган, Каттақўрғон шаҳри, Ингичка кўчаси, 10-уйда жойлашган «Каттақўрғон фирмаси» АЖнинг мол-мулклари мажмуаси: маъмурий бино (1989 йилда қурилган, 3 қаватли, умумий майдони — 2899 кв.м.), ошхона биноси (1989 йилда қурилган, 1 қаватли, умумий майдони — 499 кв.м.), ишлаб чиқариш цехи биноси (1989 йилда қурилган, 1 қаватли, умумий майдони — 15031 кв.м.), омборхона биноси (1989 йилда қурилган, 1 қаватли, умумий майдони — 804 кв.м.), бостирма (навес) (1 қаватли, умумий майдони — 7771 кв.м.), 190 та турли ўлчамдаги (20 м³, 15 м³) зангламас пўлатдан ясалган ҳажмлар. ***Жами бошланғич баҳоси — 406 581 000 сўм.***

**Ушбу акцион савдосида сотилмай қолган мулкларнинг такрорий савдоси шу йил 25 май куни соат 11.00 да ўтказилади.**

***

**Шунингдек, 2009 йил 18 май куни соат 11.00 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги объектлар қўйилади:**

1. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2008 йил 25 декабрдаги ЖСК-1-481/2008-сонли ижро варақасига асосан Суд департаменти Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан савдога қўйилган, Самарқанд тумани, Гулобод қишлоғида жойлашган «Парвина-М» МЧЖга қарашли:
   - «XING BD-210» русумли 7 та музлатгич, техник ҳолати — янги. ***Биттасининг бошланғич баҳоси — 569 393 сўмдан.***
   - «MOROZZO BD/C-208» русумли 1 та музлатгич, техник ҳолати — янги. ***Бошланғич баҳоси — 518 925 сўм.***
   - «UGUR UDD 200 SC» русумли 866 та музлатгич, техник ҳолати — ишлатилган. ***Биттасининг бошланғич баҳоси — 239 500 сўмдан.***
   - «D210 DESG» русумли 15 та музлатгич, техник ҳолати — ишлатилган. ***Биттасининг бошланғич баҳоси — 284 700 сўмдан.***
   - «SINO SD-188» русумли 32 та музлатгич, техник ҳолати — ишлатилган. ***Биттасининг бошланғич баҳоси — 215 000 сўмдан.***
   - «SUPER GENERAL S6F150» русумли 2 та музлатгич, техник ҳолати — ишлатилган. ***Биттасининг бошланғич баҳоси — 164 102 сўмдан.***
   - «UGUR UDD 300 SC» русумли 216 та музлатгич, техник ҳолати — ишлатилган. ***Биттасининг бошланғич баҳоси — 305 900 сўмдан.***
   - «CARAVELI 335-935» русумли 1 та музлатгич, техник ҳолати — ишлатилган. ***Бошланғич баҳоси — 244 037 сўм.***
   - «SENOCAK» русумли 14 та музлатгич, техник ҳолати — ишлатилган. ***Биттасининг бошланғич баҳоси — 215 568 сўмдан.***
   - «ELECTROLUX» русумли 17 та музлатгич, техник ҳолати — ишлатилган. ***Биттасининг бошланғич баҳоси — 273 504 сўмдан.***
   - «XING BD-210» русумли 222 та музлатгич, техник ҳолати — ишлатилган. ***Биттасининг бошланғич баҳоси — 284 700 сўмдан.***
2. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2008 йил 20 ноябрдаги ЖСК-1-480/2008-сонли ижро варақасига асосан Суд департаменти Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан савдога қўйилган, Самарқанд шаҳри, Фирдавсий кўчаси, 81-уйда жойлашган масъулияти чекланган жамият шаклидаги «Бахмал» қўшма корхонаси ҳовлисида сақланаётган:
   - «Нексия» русумли автомашина, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 АЕ 152, техник соз. ***Бошланғич баҳоси — 13 354 900 сўм.***
   - «Нексия» русумли автомашина, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AF 262, техник соз. ***Бошланғич баҳоси — 14 012 000 сўм.***
   - «Нексия» русумли автомашина, 2004 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AI 333, техник соз. ***Бошланғич баҳоси — 14 940 300 сўм.***
   - «ГАЗ 31029» русумли авомашина, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 АЕ 892, техник соз. ***Бошланғич баҳоси — 5 725 600 сўм.***
   - «ГАЗ-3102311» русумли автомашина, 2003 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AG 777, техник соз. ***Бошланғич баҳоси — 9 821 900 сўм.***
   - «МИДИБУС SAZNHP 21» русумли автобус, 2007 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 АО 924, техник соз. ***Бошланғич баҳоси — 45 000 000 сўм.***
   - «МИДИБУС SAZNHP 21» русумли автобус, 2007 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 АО 923, техник соз. ***Бошланғич баҳоси — 45 000 000 сўм.***
   - «ЛАЗ-695 Н» русумли автобус, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AF 705, техник носоз. ***Бошлағич баҳоси — 4 200 000 сўм.***
   - «ЛАЗ-695 Н» русумли автобус, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AF 693, техник соз. ***Бошланғич баҳоси — 5 360 000 сўм.***
   - «ЛАЗ-695 Р» русумли автобус, 1979 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AF 706, техник носоз. ***Бошланғич баҳоси — 4 080 000 сўм.***
   - «ЗИЛ-431610» русумли автомашина, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AF 697, техник соз. ***Бошланғич баҳоси — 5 840 000 сўм.***
   - «ЗИЛ-ММЗ-45021» русумли автомашина, 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AF 702, техник соз. ***Бошланғич баҳоси — 6 842 900 сўм.***
   - «ГАЗ-3307» русумли автомашина, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AF 701, техник носоз. ***Бошланғич баҳоси — 4 067 500 сўм.***
   - «ГАЗ-53» русумли автомашина, 1976 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 АО 011, техник соз. ***Бошланғич баҳоси — 4 938 000 сўм.***
   - «КАВЗ-3271» русумли автомашина, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AF 707, техник соз. ***Бошланғич баҳоси — 4 135 000 сўм.***
   - «ПАЗ-672» русумли автомашина, 1979 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AF 698, техник соз. ***Бошланғич баҳоси — 2 382 000 сўм.***
   - «ПАЗ-672» русумли автомашина, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AF 700, техник соз. ***Бошланғич баҳоси — 2 977 600 сўм.***

Ушбу мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили ёки биржа вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — РКТАБ Самарқанд филиалининг АТБ «Ўзсаноатқурилишбанк» Самарқанд минтақавий филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000404460401001, МФО: 00317, СТИР: 206074208.

**Манзилимиз: Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 148-уй, Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси биноси, 1-қават, 1-хона. Телефон: (8-366) 234-06-38.**


**«ХАЛҚ СЎЗИ»га**
**ЭЪЛОНЛАР**
**ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**
9.00 дан 18.00 гача
233-10-60
236-09-25
232-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

*Муҳтарам газетхон! Газетамизнинг ушбу сонидаги қўшсаҳифа бепул илова қилинмоқда.*





«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ «Тез пул ўтказиш» хизмати Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! ТЕЛ.: 237-21-93, 237-16-24. САЙТ: WWW.POCHTA.UZ E-MAIL: OAO@POST.UZ

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport

# ОЛТИН ГРАН-ПРИ СОВРИНДОРЛАРИ

***15-18 апрель кунлари ўзбекистонлик спорт ишқибозлари ажойиб кураш байрамининг гувоҳи бўлишди. Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида эркин ва юнон-рум кураши бўйича Халқаро спорт курашлари федерацияси — FILAнинг «Олтин Гран-при» туркумига кирувчи анъанавий «Ўзбекистон Мустақиллиги кубоги» халқаро турнири бўлиб ўтди.***



Мукофот жамғармаси 100 минг АҚШ долларига тенг бўлган мазкур нуфузли мусобақада ҳамюртларимиздан ташқари, Россия, Туркия, Украина, Озарбойжон, Беларусь, Япония, Хитой, Марокаш, Эрон, Тожикистон, Қозоғистон, Туркманистон, Қирғизистон каби дунёнинг йигирмага яқин мамлакатидан келган юз нафардан ортиқ полвонлар медаллар учун кураш олиб бордилар.

Муҳими, бу сафарги беллашувларда ҳам ўзбекистонлик полвонлар муносиб иштирок этишди. Жумладан, юнон-рум кураши бўйича Эльдор Ҳафизов (55 кг.), Жаҳонгир Мўминов (74 кг.) олтин, Санжар Жумашев (55 кг.), Азизбек Муродов (74 кг.) ҳамда Владимир Кегечидзе (84 кг.) кумуш, Шмага Гулиашвили (74 кг.), Суҳбат Ҳожиев (120 кг.) бронза медалларини қўлга киритдилар.

Эркин кураш бўйича вакилларимиздан Қурбон Қурбонов (96 кг.) ўз вазн тоифасида барча рақибларини енгиб, олтин медаль билан тақдирланди. Янги мавсумда 60 килограмм вазн тоифасида (илгари 55 килограмм вазнда гиламга тушган) ўз омадини синаб кўрган юртдошимиз Дилшод Мансуров финалгача барча рақибларини мағлубиятга учратди. Якунда эса украиналик тажрибали курашчи Евгений Хавиловга кичик фарқ билан ютқазиб қўйди ва кумуш медали билан кифояланди. Шунингдек, Ихтиёр Наврўзов ва Алихон Воҳидов (66 кг.)лар халқаро турнирнинг бронза медаллари совриндори бўлишди.

— «Олтин Гран-при» турнирининг якуний учинчи босқичи июль ойида Озарбойжон пойтахти Бокуда ўтказилади, — дейди эркин кураш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи Нурлан Жаксилоков. — Бугун шогирдларимнинг иштирокидан кўнглим тўлди. Қолаверса, мусобақа терма жамоамиз учун жорий йилнинг май ойида Таиландда ўтадиган Осиё чемпионати олдидан катта тайёргарлик вазифасини ўтади.

Эркин ва юнон-рум кураши ишқибозлари учун яна бир янгилик. Ўзбекистон 2011 йилда ўтадиган жаҳон чемпионати мезбонлигига асосий даъвогарлардан саналади. Айнан шу чемпионатда 2012 йили Лондонда ташкил этиладиган XXX ёзги Олимпиада ўйинлари йўлланмаси учун кураш олиб борилади. Тошкентда меҳмон бўлган Халқаро спорт курашлари федерацияси — FILA президенти Рафаэль Мартинетти жаҳон чемпионатини қабул қилиш учун Ўзбекистоннинг имконияти юқори эканини таъкидлади.

## Боксчиларимизнинг зафарли одимлари

**Туркияда бокс бўйича йирик халқаро турнир якунланди.**

Унда ҳамюртимиз Аббос Атоев (75 кг.) барча рақибларини енгиб, олтин медаль соҳиби бўлди. Элшод Расулов (81 кг.), Сардор Абдуллаев (91 кг.) кумуш, Расул Жўраев (48 кг.), Рамзиддин Аҳмедов (91 кг.) ва Рафиқжон Султонов (51 кг.) бронза медали билан тақдирланишди.

Жорий йилнинг 4-12 июль кунлари Эроннинг Исфаҳон шаҳрида футзал (мини-футбол) бўйича клублар ўртасида биринчи Осиё чемпионати ўтказилади.

## ФУТЗАЛЧИЛАРНИНГ ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ

Турнирга қитъанинг футзал ривожланган 10 та давлатидан чемпионлар таклиф қилинган. Маълумки, нуфузли мусобақада Ўзбекистон шарафини Зарафшоннинг "Строитель" жамоаси ҳимоя қилади. Александр Хандохин шогирдлари мамлакат чемпионатида ғолибликни қўлга киритиб, шундай имкониятга эга бўлишганди. Турнирда ҳамюртларимиздан ташқари, Эрон, Австралия, Япония, Қирғизистон, Хитой, Ироқ, Ливан, Қатар ва Таиланд мамлакатлари чемпионлари медаллар учун кураш олиб боришади.

Мусобақа низомига кўра, жамоалар икки гуруҳга бўлинган ҳолда бир даврали ўйинларда иштирок этишади. Ҳар бир гуруҳдан иккитадан кучли жамоа ярим финалга йўлланма олади.

Осиё чемпионати баҳсларига қуръа ташлаш маросими 30 апрель куни Исфаҳон шаҳрида бўлиб ўтади.

## ЎЗБЕКИСТОН НУФУЗИ ОШМОҚДА

***Ҳамюртимиз, дзюдо бўйича Атланта Олимпиадаси кумуш медали совриндори, икки карра Осиё чемпиони Армен Багдасаров 2010 йил Сингапурда ёшлар ўртасидаги биринчи ҳамда 2012 йили Лондон шаҳри мезбонлик қиладиган ўттизинчи ёзги Олимпиада ўйинлари дастуридаги дзюдо беллашувларини ташкил этиш бўлимига спорт директори этиб тайинланди.***

Бу ҳақда Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси матбуот хизмати хабар тарқатди.

Хабарингиз бор, Армен Багдасаров ҳозирда Ўзбекистон дзюдо федерацияси президенти ва Халқаро дзюдо федерацияси техник комиссиясининг спорт директори вазифасида фаолият кўрсатмоқда.

Албатта, Ўзбекистон вакилининг бу каби нуфузли спорт тадбирларини ўтказиш ташкилий қўмитасига масъул этиб тайинланиши бежиз эмас. Юртимизда спортни ривожлантиришга берилаётган эътибор туфайли қўлга киритилаётган ютуқлар ҳам яхшиланиб бормоқда.

Эслатиб ўтамиз, ёшлар ўртасидаги биринчи Олимпиада ўйинлари 2010 йилнинг 14-26 август кунлари Сингапурда бўлиб ўтади. Унда 14-18 ёшгача бўлган спортчилар иштирок этиши белгилаб қўйилган. Ташкилий қўмита маълумотларига қараганда, мусобақада 3200 нафар спортчи иштирок этиши режалаштирилган. Олимпиада ўйинларида дзюдочилар саккиз комплект медаллар шодаси учун ўзаро беллашадилар.

Яна бир маълумот. Бугунги кунда Халқаро дзюдо федерациясига 180 та мамлакат аъзо бўлган. Ташкилот аъзолари сони кўплиги жиҳатидан Халқаро футбол федерацияси (ФИФА)дан кейин иккинчи ўринда туради.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ.**

# ЎҚИТУВЧИГА ФИДОЙИЛИК ЯРАШАДИ

***Маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний айтганидек, ҳар бир миллатнинг саодати, мамлакатнинг тинчи ва роҳати ёшлар тарбиясига боғлиқдир. Шу маънода бугун юртимизда ўғил-қизлар камоли йўлида олиб борилаётган амалий саъй-ҳаракатлар, ёш авлоднинг замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштириши, кенг дунёқараш соҳиби бўлиши учун бекиёс имкониятлар яратилмоқда. Бунинг юксак самара бераётганлигига фарзандларимиз эришаётган ютуқлар, уларнинг ҳавас қилса арзигулик иқтидор ва истеъдоди мисолида амин бўлиш мумкин.***

**Мушоҳада**



Маънавияти юксак ва баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказишда масъулият юки, энг аввало, устоз ва мураббийлар зиммасига тушади. Зеро, муаллим берган тарбия вақти келиб, бутун бир жамиятга таъсир этади, наф келтиради. Шунинг учун ҳам таълим соҳаси ходими гўзал маънавий-ахлоқий фазилатлар соҳиби бўлиш билан бирга, кенг дунёқараш ҳамда чуқур билимга эга мутахассис, малакали педагог бўлмоғи ҳам даркор. Ўз фаолиятимиздан мисол келтирсак. Бугун биз ўқувчини дарс машғулотларига, умуман, илм олишга мажбурлаб эмас, қизиқтириб жалб қилишни асосий фаолият мезонимизга айлантирганмиз. Сабоқ бериш жараёнида интерфаол усуллардан фойдаланиш, ўқувчида мустақил фикрлаш қобилиятини шакллантиришга қаратилган турли интеллектуал ўйинлар, баҳс-мунозара тарзидаги эркин ижодий машғулотлар, тест синовлари асосида билимларни баҳолаш каби муҳим жиҳатларга кенг ўрин ажратилаётир.

Албатта, ноанъанавий дарсларни ташкил этиш ўқитувчидан жиддий изланишни, янгича педагогик тадқиқотлар устида иш олиб боришни талаб этади. Шахсан ўзим бугунги ёшлар, хусусан, мактабимиз ўқувчиларининг анчайин қизиқувчан, ён-атрофда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар, янгиликларни тез илғаш хусусиятига эга ёшлар эканлигига кўп бор ишонч ҳосил қилганман. Улар бугун интернет орқали илм-фан соҳасидаги ноёб кашфиётлар, ўзлари ўрганаётган фан бўйича чоп этилган янги дарсликлар билан тез фурсатда танишиб чиқиш имконига эгадирлар. Модомики, шундай бўлгач, ушбу жараёнда ўқитувчига фаоллик етишмаса, у ёшларга оқни қорадан ажратиш, ҳақиқатни ёлғондан фарқлаш борасида мукаммал тушунча бера олмайди. Негаки, ёшлар шамол насими қайга бошласа, новдаларини ўша тарафга йўналтирувчи нозик ниҳолга ўхшашади. Уларга асл ҳақиқатни уқтириш, бугунги глобал ўзгаришлар даврида ўғил-қизларнинг турли найрангларга учмай, илмнинг фақат эзгуликка хизмат қилиши лозимлигини теран англашлари биз, устоз ва мураббийларга боғлиқдир. Айтайлик, ўқувчи фалон кимёвий дори воситасида бедаво бир хасталикни даволаш мумкин, деган янгиликни интернет орқали ўқиб билди. Аммо бу қанчалар исботланган ҳақиқат? Чиндан ҳам, у воқиф бўлган янгилик шунчалар мўъжизакор кучга эгами ёки аксинча. Буни фақат илмий асосланган далил ва тадқиқотлардан бохабар, билими ва тасаввури чуқур ўқитувчигина аниқлай олади. Борди-ю, бу борада устознинг ўзи ҳам саёз тушунчага эга бўлса, шогирднинг интернетдаги ҳаминқадар мужмал, ҳеч бир илмий асосга эга бўлмаган "кашфиёт"ларни ҳақиқат ўрнида қабул қилиши аниқ.

Бугун таълим соҳаси ходими ана шу жиҳатларни инобатга олган ҳолда ҳаракат қилмоғи лозим. Бунинг учун, яъни бизнинг ижодий имкониятларимизни ишга солган ҳолда ғайрат ва ҳафсала билан ишлашимиз учун барча шароит ва имкониятлар етарли. Замонавий услубдаги ўқув даргоҳлари, мактабу лицейларнинг энг сўнгги технологиялар билан таъминланганлиги, педагог-ходимлар меҳнатини рағбатлантириш борасидаги имтиёзлар ҳақида ҳар қанча фахрланиб гапирсак арзийди. Бундай шароитда меҳнатга иштиёқ, касбга меҳру садоқат, изланиш ва ижодга бўлган интилиш кишида яна ҳам орта боракан. Зеро, ҳамкасбларим фаолиятидаги жонланишлар, мактабимизнинг туман ва вилоят миқёсидаги обрў-эътибори, илм даргоҳимизда мавжуд маънавий-ахлоқий муҳит, таълим-тарбия борасидаги ўзига хосликлар, буларнинг бари ўқитувчи меҳнати қадр топганлиги натижасидир. Муҳими, буни ҳар бир педагог, ўзини ёш авлод, демакки, келажак тарбиясига масъул деб билган киши теран англаса, рағбат ва ғамхўрликка муносиб тарзда фидойилик намунасини кўрсатса, бас.

**Ғулчеҳра НАЗАРОВА,**
**Урганч шаҳридаги 17-умумтаълим мактаби ўқитувчиси.**



## РУСТАМ ҚОСИМЖОНОВНИНГ ИЛК ҒАЛАБАСИ

***Россиянинг Нальчик шаҳрида Халқаро шахмат федерацияси — ФИДЕ Гран-присининг тўртинчи босқич учрашувлари давом этмоқда. Турнирда рейтинг очкоси юқори бўлган ўн тўрт нафар гроссмейстер иштирок этмоқда.***

Мусобақада юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган Рустам Қосимжонов бешинчи турда украиналик гроссмейстер Василий Иванчукка қарши дона сурди. У қора доналарда ўйнашига қарамай, рақибини мағлубиятга учратишга муваффақ бўлди — 1:0. Бу ҳамюртимизнинг ҳозиргача ушбу мусобақадаги биринчи ғалабасидир.

Турнинг қолган учрашувлари қуйидагича якунланди: Сергей Карякин (Украина) — Шаҳриёр Мамадиёров (Озарбойжон) 0,5:0,5, Владимир Акопян (Арманистон) — Гата Камский (АҚШ) 1:0, Александр Гришчук (Россия) — Петер Леко (Венгрия) 0,5:0,5, Евгений Алексеев (Россия) — Левон Аронян (Арманистон) 0,5:0,5, Этьен Бакро (Франция) — Павел Эльянов (Украина) 0,5:0,5, Пётр Свидлер (Россия) — Борис Гельфанд (Исроил) 0,5:0,5.

Бешинчи турдан сўнг шахматчиларнинг жамғарган очколари: А. Гришчук — 3,5 очко, Е. Алексеев, Л. Аронян, С. Карякин, П. Леко 3 очко, Р. Қосимжонов, Э. Бакро, Г. Камский, П. Свидлер 2,5 очко, Б. Гельфанд, В. Акопян, Ш. Мамадиёров, П. Эльянов 2 очко, В. Иванчук 1,5 очко.


КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ, МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ МУҲАНДИСЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ТАШКИЛОТ
МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ва ТЕХНИКА ХАВФСИЗЛИГИГА ОИД
маҳсулотларни таклиф этади:

- техника хавфсизлиги бўйича 300 дан зиёд турли плакатлар;
- намунавий ҳужжатлар тўплами, китоблар, рисолалар;
- тиббий ўқув қўлланмалари.

Тўлов — пул ўтказиш йўли билан.
Тел./факс: (+99871) 233-53-00.
Тел.: (+99897) 717-17-52, (+99890) 186-28-52.

ООО "CHIRCHIK TEPLO SYSTEMS" CHTS
ИСИТИШ СУВ ҚАЙНАТИШ
ҚОЗОНЛАРИ
ИСИТИШ ҚОЗОНХОНАЛАРИ
Табиий газ, суюқ ва қаттиқ ёқилғи билан ишлайди
маҳсулот сертификатланган
Чирчиқ шаҳри, Кангли кўчаси, 16-«А».
Т/ф.: 8 (371) 416-90-06, 8 (371) 786-50-09, 8 (37071) 9-09-08.
E-mail: chts.uz@mail.ru


# СОХТА ДОРИФУРУШЛАР

## фаолиятига чек қўйилди

***Кўпчилик фарғоналиклар бундан 3-4 йил аввал Қўқон шаҳридаги шифохоналардан бирида содир бўлган ғалати ҳодисани ҳалигача унутишгани йўқ.***

**Жиноят ва жазо**

Беморлардан бирига "гемодез" суюқлигини қуйиш керак экан. Ҳамшира беморнинг яқинлари шаҳардаги дори бозоридан сотиб олган суюқликка узатиш найчасини улайди. Шунда томиб тушган суюқликдан елим найча эриб, бужмая бошлайди. Кейин маълум бўлишича, шишага гемодез ўрнига қандайдир кислота қуйилган экан.

Тасаввур қилинг: шу оғу инсон организмига, айниқса қонга қўшилса, қандай ҳодиса рўй берарди?..

Афсуски, қалбаки дори-дармонларни тайёрлаб, одамлар соғлиги ҳақида заррача ташвишланмаётган сохта дорифурушлар ҳозир ҳам учраб турибди. Энг ачинарлиси, бундай дорилар ҳақиқий ишлаб чиқарувчи номи ёки дори таркибини сохталаштириб, фирма ёрлиғи, тамғаларидан ноқонуний фойдаланиш орқали савдога чиқарилаяпти. Маркировкаси, қутилари, ўрами, сифати талабга жавоб бермайдиган дориларнинг таркиби бўр, крахмал, тальк каби компонентлардан иборат холос.

Яқинда "Фарғона дори-дармон" бирлашмаси қошидаги дори воситалари ва тиббий-техника воситалари сифатини назорат қилиш лабораторияси ходимлари вилоят дорихоналарида савдога чиқарилган "Реополиглюкин" дори воситасини текширишдан ўтказиб, ёқа ушлаб қолишди. Шишадаги суюқлик ёрлиқдаги восита эмас, балки 5 фоизли глюкоза экан. Энди тасаввур қилинг: "Реополиглюкин" асосан қанд касаллиги бор беморларга қуйилади. Бу беморларга қўлланилганда қондаги қанд миқдори кескин ортиб, ҳалокатли таъсир кўрсатишини олғир, виждонини пулга сотган сохта дорифурушлар наҳотки билишмаса?!

Бирлашма тақдимотига биноан, сохта дорифурушлар Ғ. Қаландаров, М. Ҳамидов, Р. Эгамбердиева, М. Оқиловалар жиноят устида қўлга олинди. Энди улар қонун олдида жавоб берадилар.

**Набижон СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Санъат — дилларни дилларга боғловчи кўприк. Унинг сеҳри ва жозибаси ила киши қалби маънавий покланиш сари юз тутади. Айниқса, тасвирий санъат шунчалар таъсирчан кучга эгаки, унинг воситасида илгари сурилаётган ғоя ва мақсад ҳар биримизни эзгуликка, гўзаллик яратишга, меҳр-оқибатга ундамоғи тайин. Санъатнинг ана шундай мўъжизакор таъсири, беқиёс хусусиятлари инобатга олингани боис юртимизда ушбу соҳа ривожига эътибор тобора ортиб бормоқда.***

### *Тасвирий санъат ҳафталиги:*

# ИЖОДКОР ВА МУХЛИС МУЛОҚОТИ

**Маънавият**

Истеъдодли санъаткорлар ижодини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш масаласига ижобий муносабат бугун ҳар қачонгидан долзарб аҳамият касб этаяпти. Натижада, ўзбек тасвирий санъати усталари, иқтидорли ёш рассомларимиз ижоди жаҳон миқёсида катта эътироф ва қизиқишларга сабаб бўлаётир. Шубҳасиз, бу кўрсаткичлар халқаро маданий алоқалар ривожи йўлидаги эзгу саъй-ҳаракатларимиз натижасидир.

21-25 апрель кунлари Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган "Тасвирий санъат ҳафталиги — 2009" ҳам ана шундай изчил чора-тадбирларнинг амалдаги тасдиғидир. Унда рангтасвир, ҳайкалтарошлик, графика, миниатюра, амалий санъат ва дизайн, ҳунармандчилик йўналишларида санъаткорлар ўз маҳоратларини намойиш этадилар. Кўплаб янги номлар, бетакрор истеъдод соҳиблари кашф этиладиган мазкур байрамона тадбирга Англия, АҚШ, Россия давлатларидан Темур Ватз, Алисон Рове, Эйнгел Исхаков сингари машҳур рассомлар таклиф этилган. Улар томонидан ёш ижодкорларимиз учун маҳорат сабоқлари ташкил этилиши кўзда тутилмоқда. Шунингдек, ҳафталик мобайнида мамлакатимиз бўйлаб санъатшунос, театршунос ҳамда музейшунос мутахассисларнинг турли ижодий сафарлари, учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилади.

Ҳафталикнинг асосий тадбирлари дастуридан Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида ташкил этиладиган "Илҳомланиш", "Озод юртнинг обод пойтахти", "Камалак — 2009", "Сурхон сўқмоқлари" деб номланган кўргазмалар намойиши жой олган. Эътиборлиси, ушбу кўргазмаларга ташриф буюрган томошабин шу ернинг ўзида ижодкорларнинг иш услуби билан яқиндан танишиб, санъат асарлари яратиш билан боғлиқ жараёнга бевосита гувоҳ бўлиши мумкин.

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги муносабати билан бу йилги ҳафталик иштирокчилари ўз ижодлари орқали замонавий Тошкент қиёфаси, унинг бетакрор меъморий иншоотлари ва зиёратгоҳ гўшалари манзараларини акс эттирадилар ва энг таъсирчан санъат асарлари муаллифлари "Навқирон Тошкент" номли махсус номинация бўйича тақдирланишади. Қолаверса, ҳафталик мобайнида ёш рассомлар ижодига бағишланган махсус кўргазма ташкил этилиши ҳам кўзда тутилган. Унда рангтасвир, ҳайкалтарошлик ва бошқа санъат турлари бўйича яратилган ижодий ишларнинг энг муносиблари танлаб олиниб, кумуш ва олтин медаль, махсус сертификат, диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланади.

**Наргиза ТОЛИПОВА,**
**санъатшунос.**

## ОБ-ҲАВО

**(21 апрель)**

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, қисқа муддатли ёмғир ёғади. Ҳарорат тунда 1-6, кундузи 9-14 даража илиқ бўлади.

**Бухоро ва Навоий вилоятлари.** Вақти-вақти билан ёмғир ёғиши кутилмоқда. Тунда 8-13 даража илиқ, кундузи 10-15 даража иссиқ бўлади.

**Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғади. Ҳарорат кечаси 8-13 даража илиқ, кундузи 10-15 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент вилояти.** Ёмғир ёғиши мумкин. Тунда 8-13 даража илиқ, кундузи 10-15 даража иссиқ бўлади.

**Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, қисқа муддатли ёмғир ёғади. Кечаси 10-15, кундузи 13-18 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари.** Ёмғир ёғиши кутилмоқда. Тунда 8-13 даража илиқ, кундузи 10-15 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғиши кутилмоқда. Ҳарорат тунда 8-10 даража илиқ, кундузи 10-13 даража иссиқ бўлади.

*«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.*

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси жамоаси "Akademiya" нашриёти катта муҳаррири Тиловат Соатовага онаси
**ТЎХТАХОН аянинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Ўздавнефтгазинспекция"си жамоаси инспекция бошлиғи
**Рустам Муродович ШЕРАЛИЕВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази жамоаси Тошкент Тиббиёт академиясининг госпитал ва факультатив хирургия кафедраси профессори Шуҳрат Қосимовга отаси
**Зокир ҚОСИМОВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудияси ижодий жамоаси Ўзбекистон халқ артисти, таниқли кинорежиссёр
**Даврон Исмоилович САЛИМОВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти жамоаси Физика кафедраси собиқ профессори
**Мамадали Холматович ХОЛМАТОВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

"Маънавият" нашриёти жамоаси директор ўринбосари Сувонберди Бегматовга ўғли
**Фурқат БЕГМАТОВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.


«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ 1992-2008 йилларда чиқарилган Ўзбекистоннинг мавзули ва йиллик почта маркалари, блок ва кичик варақларни, кляссер ва буклетларга жойлаштирилган марка тўпламларини тақдим этади. ТЕЛ. 233-70-33. ФАКС 236-36-48. САЙТ: WWW.POCHTA.UZ E-MAIL: OAO@POST.UZ



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 356. 46280 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

т -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — А. Каримов.
Навбатчи — Ф. Бўтаев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машрабоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.15 Топширилди — 22.10